

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган «ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТРОТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ номидан устав асосида иш кўрувчи А.Сайдалиев билан томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «ШУХРАТЖОН» ХФ номидан устав асосида иш кўрувчи раҳбари С.АКБАРОВ иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қуйдагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Пудратчи мазкур шартнома дойиҳада қўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш учун зарур шартлоғлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. № 163794 лотга асосан, Ўзбекистон Республикаси В.М. 06.08.2022й. қўнғи № 435 сонли қарори ижр. бўй. маҳалла шартини яхшилаш мақсадида Бувайда т Ойимқишлоқ МФЙ ҳудудида электр қурилиш монтаж хизмати

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўзи ичига олган ҳолда жорий нархларда 401 095 850,00 сумни (Тўрт юз бир миллион тўқсон беш минг саккиз юз эллик сўм) ташкил этади.

2.3. Ишлар қиймати утил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш (таъмирлашга) қийматини кўпайтиришга еттиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.4. Қурилиш (таъмирлашга) муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи барча ишларни мазкур шартномада ҳамда сметага мувофиқ ишларни бажариш жаadwalда назарда тутилган ҳажмда ва муҳлатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

сметага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабар бер қилиш.

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш (таъмирлаш)таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги даъватнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш (таъмирлаш)майдони қуриқлигинини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома сметага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда даъватнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиш таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига сметага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирилади.

5.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

5.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, аванс ўтказилади, бу 120 328 755.00 сўмни ташкил этади.

6.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

6.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларида мувофиқ объектнинг умумий шартномавий қиймати амалга оширилади.

6.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.5. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномада ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни таъминлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

7.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги даълолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қатиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

7.9. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги даълолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.10. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.11. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни даълолатнома бўйича Буюртмачига беради.

7.12. Қурилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.13. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда

уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.14. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачининг ва "Давархитектқурилишнадзорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

7.15. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишнадзорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

7.16. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.17. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг таъин қилинган бажарилиши бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг таъин қилиниши Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисmini у ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

7.18. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўнайғирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.19. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни сузуриб-сидиради ва отола саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

7.20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эътирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмасда у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

8.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

8.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

9. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги табиқий ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасига келтирилган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ой дан кўпроқ вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қилади.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛДАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОЛИШ

10.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига бинноан амалда оширилади.

10.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

10.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланганидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар гунаҳами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

10.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

11. КАФОЛАТЛАР

11.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини.

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

11.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 3 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилганга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўзи ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг ўқш томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

11.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиб "Давархитектсури тишина юрат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжатик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда,

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўнайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвадига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда,

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБДОРЛИГИ

13.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди,

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

13.2. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашти Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

13.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузилиши учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажарилишини ёки хизматлар кўрсатилишини кечиктириш туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга қўйилган меъриятлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тўртиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориде жарима ундириш ҳуқуқига эга.

13.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мажкур молда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бош берилган фойлада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

13.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

14. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

15. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

15.1. Мажкур шартнома имзолангандан кейин, мажкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мажкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда рағсийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мажкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахллашувни томонлар мажкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашни керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонига ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

15.6. Мажкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7. Мажкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

16. ТОМОНЛАРИНИ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
ВА ЮРИДИК МАЊИЛАРИ

Буюртмачи

«ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ
МАНЗИЛИ ФАРГОНА ШКУВАСОЙ
КУЧАСИ 74-УЙ
"ПСБ БАНК" ФАРГОНА ФИШИАЛИ
Х.Р: 20210000900215289001
ИНН: 200144930, МФО: 00440

ТЕЛ.
РАХЪАР
М.У.



Пудратчи

«ШУХРАТЖОН» ХФ
Манзили: БОТИШАМОЛ КИШ
Х.Р: 20208000503720916001
Банк рекевизитлари: "УНИВЕРСАЛБАНК"
АТ КУКОН Ш ФИШИАЛИ
МФО: 00973, ИНН: 202468154
Тел.:



С. АКЪАРОВ

10 x *[Handwritten signature]*

3018 2186 0304 1704 9803 098006

Фаргона вилояти Фазолима бошкармаси
Х.Р. 2340 2000 3001 0000 1010

Карнази Балкиш Тошкент шаҳар
Бош бошкармаси киб-киб касса

Марнаш МФО00014 Фазолима СТР20112919

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Фарғона худудий электр тармоқлари
тармоқлари директори

А. Сайдалиев



КУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РУЖУАТИ
Бувайда тумани Ойим қишлоқ М-ой худудидда электр тармоқлари ва трансформатор пунктини қуриш
2022 йил Манзилли дастурига асосан

1. Бўлим. Қурилиш буйича асосий маълумотлар

1. Объектлар номи ва манзили	Бувайда тумани Ойим қишлоқ М-ой худудидда электр тармоқлари ва трансформатор пунктини қуриш				
2. Соҳа	Электр				
3. Инвестор					
4. Бюджетлиги	Фарғона худудий электр тармоқлари корхона АЖ				
5. Ишлаб чиқарчи					
5.1. Т.А.А.					
5.2. ЎСЖ ва ёки Т.Ж.	"Фарғона ҲЭТЭ" АЖ. ЎСЖТБ				
5.3. Экспертлиги	"Шакараллий туҳматлари экспертизаси" ДТХ Фарғона вилояти				
6. Пурабчи	"Шуратжон"				
7. Мотивациялари манбаси	Мақсадлий бюджет				
8. Қурилиш бошланғич ва қўйилганлиги таърифлари йили	2022-2022				
9. Қурилишнинг асосий гурусчанилар	Объектнинг умумий қиймати	ЎТ 10.2022га қалайига қолади			
10. Ҳисоб қилинган (тегишлилик бурчлилар бўлиши)	1 объект	1 объект			
Асосий фондлар	444,354	444,354			
Қўйилган қўйилмалар	444,354	444,354			
Қурилиш - монтаж ишлари	402,636	402,636			
Жилои					
Бюджетлиги бошқа қаражатлари	35,643	35,643			
Бюджетлиги сақлаш қаражатлари	6,075	6,075			
2022 йил ТАСДИҚЛАЙМАН манзилли дастурига асосан ажратилган пайвмит	жорий нархда млн.сўм.				
Топширилган қувват қувват (тегишлилик бурчлилар бўлиши)	1 объект				
Асосий фондлар	444,354				
Қўйилган қўйилмалар	424,222				
Қурилиш - монтаж ишлари	382,504				
Жилои					
Бюджетлиги бошқа қаражатлари	35,643				
Бюджетлиги сақлаш қаражатлари	6,075				
2. Бўлим. 2021 йил чораклар қисмида ажратилган пайвмит	(жорий нархда млн.сўм)				
Топширилган қувват қувват (тегишлилик бурчлилар бўлиши)	ЖАМИ	шу жумладан:			
Асосий фондлар	1 объект	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Қўйилган қўйилмалар	444,354				1 объект
Қурилиш - монтаж ишлари	424,222				444,354
Жилои	382,504				424,222
Бюджетлиги бошқа қаражатлари	35,643				382,504
Бюджетлиги сақлаш қаражатлари	6,075				35,643
					6,075

ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ
(булартагина тўғриради)

1. Инвестиция лойиҳани амалга ошириш Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022й 31.08.
№49-12811-0-К/22-сонли қарори ва 2022 йил Манзиллий Дастурига асосан
(инвестициянинг номи ва қабул қилган қарорнинг рақами ва санаси)

2. Лойиҳанинг экспертиза хулосаси _____ 06.10.2022й №64152
(хулосанинг рақами ва санаси)

3. ТИА (ПСЖ) таъдирланган Вилоят ҳокими ўринбосари томонидан
(ТИА (ПСЖ) тасдиқлаш қарорининг рақами ва санаси)

4. Қаён тендер (танлов) ўтказилди _____ 25.10.2022й №22110012163794
(санаси)

5. Тендер (танлов) голлиби _____ "Шухратжон"
(Қурилми гуфрат тақлидотли номи)

6. Шартнома _____ 27.10.2022й №5 _____ 401,096 _____ млн.сўм
(рақами, санаси ва қилмати)

7. Лойиҳа ҳужжатларини қўриш мақсад ишлари билан гузарилган рақида олиб бориш руқсатнома
(инвестициянинг номи ва руқсатноманинг рақами ва санаси)

8. Тендерда лойиҳани амалга ошириш руқсатномаси
(инвестициянинг номи ва руқсатноманинг рақами ва санаси)

9. Лойиҳанинг қўриш маълумот ва мақсади

Бу вайда тумани Ойим қишлоқ М-й ҳудудда электр тармоқлари ва трансформатор пунктини қуриш

10. Молиялаштириш схемаси _____ пул ўтказиш

11. Импортга талаб ташкил этади _____ млн. АҚШ дол. шу жумладан
- жиҳозлар сотиб олишга _____ млн. АҚШ дол.;
- хом ашё сотиб олишга _____ млн. АҚШ дол.;
- бажарилган иш ва хизматлар _____ млн. АҚШ дол.;
- чет эл кредитини қоллашга _____ млн. АҚШ дол.



Директор

"Шухратжон"

ГЕНПОДРЯДЧИК

 _____ С. Акбаров



Қурилиш-монтаж ишларини суғурта қилиш шартномаси бўйича

СУГУРТА ПОЛИСИ

№ 12/08-09-13-16/00943

Маъқур Полис 2022 йил «27» октябрдаги 12/08-09-13-16/00943-сон Қурилиш-монтаж ишларини суғурта қилиш шартномасига мувофиқ суғурта мукофоти тўланганлиги шarti билан "Trust-Insurance" АЖ шаклидаги суғурта компаниясининг суғурта ҳолисаси солир бўлганда суғурта товонини тўлаш мажбурияти кучга кирганлигини ва суғурта мудлати мобайнида амалда бўлишини тасдиқлайди.

Суғурта
қилдирувчи «ШУХРАТЖОН» ХФ,

Суғурта қиймати: 401 095 850,00 сўмини (Тўрт бир миллион тўқсон бешмиг саккиз юз эллиг) сўм.

Суғурта пуллари 320 876 680,0 (Ҳч юз йилгирма миллион саккиз юз етмиш олти минг олти юз саксон) сўм.

Суғурта мукофоти 80 000,0 (саксон минг) сўм.

Суғурта мудлати 2022 йил «27» октябрдан 2023 йил «31» январгача.

Суғурта полиси
тақдим этилган 2022 йил «27» октябр,
сана



“TRUST-INSURANCE” АЖ СК
Фаргона вилояти филиали директори

Джурабоев Н.М.

TI 0031688



XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA VILOYATI KENGASHI QARORI

150100, Farg‘ona sh., Alisher Navoiy k., 15-uy, tel: (73) 244-07-35, e-mail: info@ferghana.uz, www.ferghana.uz

2022 - yil 31 - avgust

VI-49-128-11-0-K/22

Farg‘ona viloyati hokimligi

Маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари хақида

Маҳаллалар инфратузилмасини комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация объектларини барпо этиш ва шу асосида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, шунингдек, жойларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 августдаги “Маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 435-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан, жорий йилда “қониқарсиз” деб баҳоланган маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан худудлар бўйича иловага мувофиқ маблағларни ажратиш, бунда ажратиладиган маблағлар маҳаллаларни ичимлик ва оқова сув, электр энергияси, табиий газ тармоқлари ва суғориш тизимини яхшилашга, ички автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш ҳамда бошқа зарур инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш белгиланган.

Шунингдек, маблағлар доирасида инфратузилмасини ривожлантириш ишлари олиб бориладиган маҳаллалар рўйхатини ва уларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларини назарда тутувчи Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари

вилоят Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилишини таъминлаш ҳам белгиланган.

Бу бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ва сектор раҳбарлари томонидан инфратузилмани ривожлантириш ишлари олиб бориладиган маҳаллалар рўйхати ва уларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларини назарда тутувчи Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Вилоятда ҳудудидаги маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб бориш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 августдаги “Маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 435-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда иловага мувофиқ ажратиладиган маблағлар доирасида инфратузилмасини ривожлантириш ишлари олиб бориладиган маҳаллалар рўйхатини ва уларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларини назарда тутувчи Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилишини таъминлаш белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори иловасига мувофиқ тегишлилиги бўйича Фарғона вилоятига ажратилиши белгиланган маблағлар доирасида инфратузилмасини ривожлантириш ишлари олиб бориладиган маҳаллалар рўйхати ва уларда амалга ошириладиган қурилиш- таъмирлаш ишларини назарда тутувчи Маҳаллалар

инфратузилмасини ривожлантириш дастури (кейинги мантда – Дастур деб юритилади)

Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ички йўллар қурилиши Дастури манзилли рўйхати 1-иловага;

Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ичимлик суви таъминоти объектлари қурилиши Дастури манзилли рўйхати 2-иловага;

Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича электр таъминоти объектлари қурилиши Дастури манзилли рўйхати 3-иловага;

Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ободонлаштириш объектлари қурилиши Дастури манзилли рўйхати 4-иловага;

Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ирригация объектлари қурилиши Дастури 5-иловага;

Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бошқа объектлар қурилиши Дастури 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, манзилли рўйхат ва Дастур ҳудуд фуқароларининг мурожаатлари, ҳокимлик вакиллари, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари, ҳудуд фаолларини таклифлари асосида шакллантирилганлиги, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг “Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича” доимий комиссиялари йиғилишларида муҳокама этилиб, доимий комиссияларнинг тегишли баёни расмийлаштирилганлиги инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан Дастур доирасида қуйидагилар:

а) маҳаллаларда инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва модернизация қилиш ишлари бўйича буюртмачи этиб:

ичимлик сув таъминоти, ички йўллар ва суғориш тизими объектлари бўйича - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар

хокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУК;

электр энергияси ва табиий газ объектлари ҳамда тармоқлари бўйича - тегишлича “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖ;

б) маҳаллаларда инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва модернизация қилиш ишларини жорий йилда яқунлаш ҳамда бунинг натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулай шароитлар яратиш мақсадида, истисно тариқасида бош лойиҳа ташкилотларини танлов (тендер) савдоларисиз ва бош пудрат ташкилотларини “ССС” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга бўлган пудрат ташкилотлари орасидан танлов (тендер) савдоларисиз махсус электрон порталга эълон жойлаштиришдан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши тавсиясига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг тегишли қарорига асосан тўғридан-тўғри белгилаш назарда тутилганлиги инобатга олинсин.

5. Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари А.Уринбоев вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси (А.Рўзиёев), Молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев) билан биргаликда молиялаштириш учун объектларнинг манзилли қурилиш рўйхатларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

6. Вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Позиллов) Дастур доирасида маҳаллаларда инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларида шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

7. Белгилансинки, ажратиладиган маблағлар фақатгина маҳаллаларни ичимлик ва оқова сув, электр энергияси, табиий газ тармоқлари ва суғориш тизимини яхшилашга, ички автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда бошқа зарур инфратузилма лойиҳаларига йўналтирилсин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Исақов, Молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси (Х.Долимов), Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси (О.Назиров), “Фарғона электр тармоқлари худудий корхонаси” АЖ (А.Сайдалиев), “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ (М.Юлдашев), “Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиали (В.Содиқов), “Сирдарё-Сўх” ирригация

тизимлари ҳавза бошқармаси (Ф.Турсунов) билан биргаликда манзилли рўйхатга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан белгиланган муддатларда қайта келишиш ва тасдиқлаш ҳамда қурилиш ишларини бошлашда молиялаштириш чораларини кўрсин.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Исақов, молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси (Х.Долимов), Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси (О.Назиров), “Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси” АЖ (А.Сайдалиев), “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ (М.Юлдашев), “Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филали (В.Содиқов), “Сирдарё-Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Ф.Турсунов), туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда сектор раҳбарлари дастур доирасида ишларини ўз вақтида, сифатли ва тизимли амалга оширилишига, шунингдек, дастур доирасида ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда кредитор қарздорлик юзага келишининг олдини олиш бўйича масъул этиб белгилансин.

Бунда,

- буюртмачилар ҳамда лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ўртасида ўз вақтида ва ўрнатилган тартибда шартномалар тузилиши, уларнинг молиялаштирилиши;

- қурилиш жараёнида муаллифлик, техник ва давлат назорати олиб борилишини, бу борада аниқланган камчиликлар бўйича берилган ёзма кўрсатмалар ва уларни бажарилиши;

- бажарилган иш ҳажмлари бўйича тўловга топширилган далолатномалар ҳаққонийлигини техник назоратчи ва қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ходимлари иштирокида ўрганиб борилиши;

- тармоқ жадвалидан ортда қолаётган объектлар бўйича муаммоларни аниқлаб, бартараф қилиб борилиши;

- бажарилган ишлар ҳажми бўйича топширилган далолатномаларнинг ҳаққонийлигига алоҳида эътибор берган ҳолда, қўшиб ёзиш, сифатсиз ишларни аниқлаш ва уларни жойида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш;

- аниқланган ҳар бир қўшиб ёзиш ва сифатсиз ишлар бўйича маълумотнома тузиш, қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ҳуқуқ-тартибот идораларига маълумот тақдим этиб бориш;

- ҳомийлар ва ҳашар йўли билан амалга оширилган ишларнинг ҳисобини юритиш, бу ишларни пудратчилар томонидан иш ҳажмлари бўйича далолатномаларга қўшиб ёзиш ҳолатларининг олдини олиш;

- манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатларига кескин муносабат билдириб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш;

- қурилиш жараёнлари бўйича тақдим этилган маълумотлар ва амалга оширилган ишлар ҳаққонийлигини мониторинг гуруҳлар тузиб, ҳудудларга мунтазам чиққан ҳолда ўрганиб борилишини таъминлаш вазифалари юклансин.

10. Мазкур топшириқлар ижроси учун дахлдор ташкилот бошқармалар раҳбарлари ва туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳудудларда юзага келган колоқликлар, амалда бажарилмаган ишларни қўшиб қўрсатиш ва бошқа ҳолатлар бўйича мансабдор ва бошқа шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши бўйича огоҳлантирилсин.

11. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари Ўзбекистан Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунига асосан Дастур доирасида лойиҳаларни ўз вақтида, сифатли ва тизимли амалга оширилиши юзасидан депутатлик назоратини ўрнатсин.

Бунда, соҳа масъуллари томонидан амалга оширилаётган ишлар (тадбирлар)ни мониторинг қилган ҳолда жойида ўрганишлар олиб бориш, ўрганиш натижаларини маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари йиғилишлари ҳамда Кенгаш сессияларида муҳокама этиб борсин.

12. Давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Жўраев), Молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев)га Дастур доирасида молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин, ҳар ой якуни бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритиб борсин.

13. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (Д.Джумабаев), вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (Б.Омонзода) билан биргаликда вилоятдаги телеканаллар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали Дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар жараёнларини оммавий ахборот воситаларида доимий равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Мазкур Кенгаш қарори ижросини назорат этиш халқ депутатлари

вилоят Кенгашининг “Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича” ҳамда “Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича” доимий комиссиялари раислари ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Уринбоев ва Х.Исақовлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

Xalq deputatlari Farg'ona viloyat Kengashining
2022 yil 31 avgustdagi
VI-49-128-11-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган маҳаллаларининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича
ички йўллар қурилиши
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

T/P	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Иш тури	Лойиҳа қиймати (млн сўм)	Буюртмачи ташкилот	Бириктирилган лойиҳа ташкilotи	Бириктирилган пудрат ташкilotи
	Вилоят бўйича жами:	x	x		36 956,80			
I. Йўл-транспорт инфратузилмаси тизимини яхшилаш								
	Ички йўллارни таъмирлаш:	км			36 956,8			
	Марғилон шаҳри				1 650,0			
1	Ипак йўли МФЙ Фарғона, Фуркат, Хўжа эғиз, Ипак йўли кўчаларига жами 1,65 км асфальт қопламаси ётқизиш	км	1,65	Асфальт-лаш	750	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиҳа" МЧЖ	"Best Story - 2020" МЧЖ
2	Чароғон МФЙ Навнихол, Ж.Сутонов, Олтин водий, Олмазор, Эҳтиром кўчаларига жами 2 км асфальт қопламаси ётқизиш	км	2,0	Асфальт-лаш	900	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиҳа" МЧЖ	"Best Story - 2020" МЧЖ
	Фарғона шаҳари				1 693,0			
3	Мустақиллик МФЙ Фузулий кўчасини жорий таъмирлаш.	км	0,5	Асфальт-лаш	100,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиҳа" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
4	Мустақиллик МФЙ Ёруғлик кўчасини жорий таъмирлаш.	км	0,47	Асфальт-лаш	228,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиҳа" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК

T/P	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Иш тури	Лойиха қиймати (млн сўм)	Буюртмачи ташкилот	Бириктирилган лойиха ташкilotи	Бириктирилган пудрат ташкilotи
5	Ипак йўли МФЙ Ипак йўли кўчасини жорий таъмирлаш	км	1,3	Асфальт-лаш	546,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
6	Ипак йўли МФЙ Файз кўчасини жорий таъмирлаш	км	0,6	Асфальт-лаш	252,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
7	Ипак йўли МФЙ Голиблар кўчасини жорий таъмирлаш	км	0,2	Асфальт-лаш	84,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
8	Ипак йўли МФЙ Шаббода кўчасини жорий таъмирлаш	км	0,25	Асфальт-лаш	105,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
9	Ипак йўли МФЙ Шамшод кўчасини жорий таъмирлаш	км	0,9	Асфальт-лаш	378,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
	Қувасой шаҳри				1 899,0			
10	"Богбон" МФЙ Қозикўрғон кўчасига 800 м, Зардоли кўчаси 800 м, Фароғат кўчаси, 200 м, Оқтош кўчаси 800 м масофада асфалтлаштириш	км	2,6	Асфальт-лаш	1040,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
11	"Богбон" МФЙ Маърифат кўчасига 15 дона кўча чироқлари ўрнатиш	дона	15	Асфальт-лаш	26,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фарғона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фарғона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК

T/P	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Иш тури	Лойиха қиймати (млн сўм)	Буюртмачи ташкилот	Бириктирилган лойиха ташкилоти	Бириктирилган пудрат ташкилоти
12	"Юқори Муян" МФЙ Хамкор кўчаси 900 м, Қорасув кўчаси 450 м, Мусаффо кўчаси 600 м масофада асфалтлаштириш	км	1,95	Асфальт-лаш	780,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фаргона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фаргона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
13	"Юқори Муян" МФЙ Пастки муян кўчаси, Соё бўйи кўчаларига 30 дона кўча чирокларини ўрнатиш	дона	30	Асфальт-лаш	53,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	"Фаргона Йўл Сервис Лойиха" МЧЖ	"Фаргона тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" УК
	Қўқон шаҳри				1 412,0			
14	"А.Зохирий" МФЙ ички кўчаси	км	1,3	Асфальт-лаш	400,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	Фаргона йўллойиха институтини МЧЖ	"Қўқон йўл қурилиш таъмирлаш" МЧЖ
15	"Нурафшон" МФЙ ички кўчаси	км	1,7	Асфальт-лаш	532,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	Фаргона йўллойиха институтини МЧЖ	"Қўқон йўл қурилиш таъмирлаш" МЧЖ
16	"Нурафшон" МФЙ ички кўчаси	км	2,40	Шағаллаш-тириш	480,0	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	Фаргона йўллойиха институтини МЧЖ	"Қўқон йўл қурилиш таъмирлаш" МЧЖ
	Бағдод тумани				2 650,0			
17	Қоровултепа МФЙдаги Қизғалдоқ 0,6 км, Гавхар 2,0 км, Шодлик ва А.Авлоний 0,5 км, кўчаларини асфалтлаш	км*	3,1	Асфальт-лаш	1 400	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	«SILK ROAD PROJECT» МЧЖ	"Best Story - 2020" МЧЖ
18	Конизар МФЙдаги Ойбек 0,8 км, Чинор 0,75 км ва Икромжон Хошимов 1,2 км кўчаларини асфалтлаш	км*	2,75	Асфальт-лаш	1 250	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	«SILK ROAD PROJECT» МЧЖ	"Best Story - 2020" МЧЖ

T/P	Чора-тадбир номи Бешарик тумани	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Иш тури	Лойиха қиймати (млн сўм) 3 400,0	Буюртмачи ташкилот	Бириктирилган лойиха ташкilotи	Бириктирилган пудрат ташкilotи
19	Ворух-Дашт МФЙ Обод кўчасини 2,2 км қисмига асфальт коплама қуриш	км	2,2	Асфальт-лаш	1100	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	«SILK ROAD PROJECT» МЧЖ	"Кўкон йўл қурилиш" МЧЖ
20	Ворух-Дашт МФЙ Тинчлик кўчасини 1 км қисмига асфальт коплама қуриш	км	1	Асфальт-лаш	500	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	«SILK ROAD PROJECT» МЧЖ	"Кўкон йўл қурилиш" МЧЖ
21	Шоберди МФЙ Сабо кўчасини 2 км қисмига асфальт коплама қуриш	км	2	Асфальт-лаш	1000	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	«SILK ROAD PROJECT» МЧЖ	"Кўкон йўл қурилиш" МЧЖ
22	Шоберди МФЙ Достон кўчасини 1,4 км қисмига асфальт коплама қуриш	км	1,4	Асфальт-лаш	800	Вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати ИК	«SILK ROAD PROJECT» МЧЖ	"Кўкон йўл қурилиш" МЧЖ
	Бувайда тумани				1 717,0			
